

ISSN 2181-6883

PEDAGOGIK MAHORAT

Ilmiy-nazariy va metodik jurnal

№ 2 (May, 2018)

Jurnal 2001-yildan chiqa boshlagan

Buxoro, 2018

MUNDARIJA-SODERZHANIE-CONTENTS

Sh. Ahmedova. Buxorolik olimlar ustod S.Ayniy haqida.....	7
G. Zaripova, S. Sobirova. 2018-yil 15-aprel — atoqli adib Sadridin Ayniy tavalludining 140 yilligiga bag'ishlov.....	12
Sh. Hayitov, Sh. Mirzoyev. Файзулла Хўжаевнинг инсонийлик ақоиди ва сиёсий фаолиятига айрим чизгилар.....	15
PEDAGOGIKA VA PSIXOLOGIYA	
А.Исманова. Ота-оналарнинг педагогик маданияти—диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш усули.....	18
Г.Эргашева. Ўқитувчи муомаласида қўлланиладиган таъсир кўрсатиш усуллари.....	21
Г.Раҳимова. Ўқувчиларнинг ахборот воситаларидан фойдаланиш маданиятини шакллантириш.....	24
Ҳ.Умаров, Ш.Юлдашев. Баркамол шахсни шакллантиришда илмий дунёқарашнинг тутган ўрни..	28
С.Самадова. Баркамол авлодни тарбиялашда аждодлар меросининг аҳамияти.....	31
Г.Баймуродова, А.Махмудов, В.Фефелов. Рейтинг как механизм развития профессиональной компетентности учителя.....	34
Т.Катричева. Интеграция в процессе познания как общенаучное понятие.....	40
М. Краснопольская. Методологические подходы к исследованию проблемы развития профессиональной компетентности преподавателя дополнительного образования в послевузовский период.....	43
Н. Вахриева. О`qituvchi va o`quvchi o`rtasidagi muomala madaniyati va uning qoidalari.....	46
Н. Qodirova. Maktabda sinfdan tashqari mashg`ulotlarda o`qituvchi va o`quvchi munosabati.....	50
F. Ramazonova. Yoshlarni tarbiyalashda muzeylarning o`rni.....	53
Sh.Olimov, O.Suyunov. O`qitish jarayonida hamkorlikda ishlashni tashkillashtirish texnologiyasi.....	56
Ш.Нурмуродова. Особенности применения активных методов обучения для развития образования	60
А.Алимов. O`quvchilarni kasbga yo`naltirish ishlarini samarali tashkil etish.....	64
М.Юлдашева. Замонавий таълим муҳитида педагогик фаолият ва унинг инсонпарвар йўналганлиги.....	68
Т.Олимов. Фуқаролик жамиятида замонавий ўқитувчининг имиджи.....	71
F. Norbo`tayev. O`smirlarda tanqidiy fikrlashni rivojlantirish yo`llari.....	74
Н. Ахадова. Kitobxonlik madaniyatini shakllantirish orqali o`quvchilarni “ommaviy madaniyat” ta`siridan himoyalash.....	78
Ф.Музафарова. Ўқитувчининг ҳамкорликдаги педагогик жараёни лойиҳалаш маҳоратини ривожлантириш.....	81
D.Safarova, R. Begmatov. Bolalar va o`smirlarda uchraydigan turli xildagi duduqlanishlarning psixologik sabablari.....	85
Ў. Шамсиев. Мактабгача болалик психологияси.....	88
А.Лукмонов. Ҳомилалар аёллардаги салбий эмоционал кечинмаларни бартараф этишда психокоррекция муолажаларнинг аҳамияти.....	92
А.Nazarov, Н.Jalilov. Globallashuvning milliy ma`naviyatga ta`siri masalalari.....	98
М. Vafayev, S. Boltayev. Qarilik — ijtimoiy-psixologik fenomen.....	101
З.Ахмедова. Аҳолининг турли катламларида психологик хизмат кўрсатишнинг асосий йўналишлари.....	107
О.Авлаев. Муаммоли таълим методларининг талаба интеллектига таъсири.....	110
В.Бозорова. Замонавий педагогик технологияларни олий таълимда самарали қўллаш йўллари.....	114
О. Қаҳҳоров. Хорижий давлатларда таълим тизимини бошқариш бўйича илғор тажрибалар ва улардан фойдаланиш йўллари.....	118
А. Хўжаев. Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг таълим сифатини таъминлашдаги роли.....	126
Н. Халилова. Талабаларда рефлексияни ривожлантиришнинг психологик имкониятлари.....	130
BOSHLANG`ICH VA MAKTABGACHA TA`LIM	
S. Xodjayeva. Xalq og`zaki ijodida o`z-o`zini tarbiya masalalari.....	135
N. Saidova. Boshlang`ich sinf o`quvchilarining matematikadan o`quv materialini o`zlashtirish darajasini o`rganish.....	138
Н. Тошева. Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини жадаллаштиришнинг педагогик асослари.....	142
В. Jamilova, Y. Po`latova. Boshlang`ich sinflarda ona tili fanini o`rganish vositalari.....	146
S.Ro`ziyeva. Modellashtirish texnologiyasi – ўқитиш жараёнига замонавий ёндашув сифатида.....	149
Н. Raxmatov. 3-sinf matematika darsligidagi mantiqiy masalalar ustida ishlash.....	154



Оттабек ҚАХҚОРОВ

Бухоро давлат университети иқтисодиёт кафедраси ўқитувчиси,
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШ БЎЙИЧА ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Мақолада хорижий давлатларда таълим тизimini бошқариш бўйича илгор тажрибалар ва улардан фойдаланиш йўллари, таълим муассасалари бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолашдаги кўрсаткичлар, олий таълим муассасалари бошқарув тузилмаси ҳамда ўрта махсус таълим муассасалари бошқарув фаолиятини баҳолаш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилган.

Таянч тушунчалар: малакали мутахассис кадрлар, интеллектуал салоҳият, дуал таълим, таълим тизими тамойиллари, давлат бошқаруви, ҳудудий ўзини ўзи бошқариш, ривожланиш тенденциялари, етук рақобатбардош иқтисодчи кадрлар.

В статье рассматривается опыт зарубежных стран по передовому опыту управления системами образования в зарубежных странах и способами их использования, оценке эффективности управления в учебных заведениях, структуре управления высшими учебными заведениями и управления средними специализированными учебными заведениями.

Опорные понятия: квалифицированный персонал, интеллектуальный потенциал, двойное образование, принципы системы образования, государственное управление, территориальное управление, тенденции в развитии, зрелые конкурентоспособные экономисты.

In article is examined the experience of foreign countries in the best practices of managing education systems in foreign countries and ways of using them, assessing the effectiveness of management in educational institutions, the management structure of higher education institutions and the management of secondary specialized educational institutions.

Supporting concepts: qualified personnel, intellectual potential, dual education, the principles of the education system, public administration, territorial management, development trends, mature competitive economists.

Мамлакатимизда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ишлаб чиқилди ҳамда унга мувофиқ узлуксиз таълим тизими яратилди. Унга кўра, тубдан янгиланган олий таълим тизими ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Жаҳоннинг етакчи институтлари, университетлари, илмий марказлари ва Фанлар академиялари билан илмий ҳамкорликни янада ривожлантиришни замоннинг ўзи талаб қилмоқда. Хорижнинг етакчи ўқув ва илмий муассасаларида таълим ва илмий даража олган юртдошларимиз учун мамлакатимизда кулай шарт-шароитлар яратиб бериш, уларни рағбатлантириш чораларини кўриш керак. Мамлакатимизда юқори салоҳиятга эга, жаҳон миқёсида эътироф этилган олимлар кўп. Улар ўз мактабларини яратиши, шогирдлар тарбиялаши лозим. Ёш авлодни салоҳиятли кадрлар этиб тарбиялашдаги биринчи босқич мактаб таълимини тубдан такомиллаштириш, илмий кадрлар ва юксак малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш зарур” [1].

Бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётни ривожлантиришда аҳолининг билимлилик даражасини юксалтириш, етук рақобатбардош иқтисодчи кадрларни тайёрлаш ҳамда уларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш долзарб масалалардан биридир. Бунда ривожланган хорижий давлатларнинг илгор тажрибалари ва амалиётини ўрганиш, хорижий давлатларда юз бераётган ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш, шунингдек, мамлакатимиз амалиётига жорий этиш масалаларини ўрганишга оид тадқиқотларни амалга ошириш муҳим ҳисобланади.

Иқтисодчи кадрларга бўлган талабни аниқлаш жараёнида таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Мамлакатимизда иқтисодчи кадрларнинг улуши ривожланган давлатларга нисбатан таққослаганда, умумий мутахассислар тайёрлаш таркибида кам кўрсаткични намоён этади.

Мамлакатимиз ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида кичик мутахассислар, олий таълим тизимида эса малакали, илмий салоҳиятга эга бўлган олий маълумотли мутахассис кадрлар тайёрланади. Бу жамиятимиз ижтимоий-иқтисодий ривожининг ажралмас қисмини ташкил қилади ва иқтисодиётда юз бераётган ўзгаришларга тезда мослашиш, янги иқтисодий муносабатлар билан тартибга солиниши лозим бўлади. Дунёнинг турли мамлакатларида коллежлар ва олий таълим тизими бошқариш, шакллари ва усуллари турличадир. Ушбу хилма-хилликларга қарамасдан ўрта махсус ва касб-хунар коллежлари ҳамда олий таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликдаги умумий белгиларни ажратиш кўрсатиш мумкин.

Мамлакатлар ўз миллий таълим моделига эга бўлиб, уларда таълимнинг мақсади, турлари ва давомийлиги бир-биридан фарқ қилади. Масалан: мамлакатимизда ўрта махсус, касб-хунар таълим тизими академик лицейлар ва касб-хунар коллежларидан иборат бўлиб, жаҳон амалиётида ушбу таълим муассасалари таълимнинг турли босқичлари таркибий қисмларини ташкил этади. Шунингдек, мамлакатимиз ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларида коллежлар ўрта махсус маълумот берувчи таълим муассасалари ҳисобланса, АҚШ ҳамда Европа таълим тизимида бундай муассасалар олий маълумот берувчи таълим муассасалари қаторига киради.

Ривожланган давлатлар таълим муассасалари бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолашда асосан қуйидаги уч туркум кўрсаткичлар назарда тутилади:

- иш фаолияти натижаларида эришилган кўрсаткичлар;
- таълим муассасанинг амалдаги ҳолатини тавсифлайдиган кўрсаткичлар;
- муассасанинг ички имкониятларини ишга солиш ҳисобига эришиладиган кўрсаткичлар [2].

Таълим тизимида олий таълим муассасаларининг ҳамда коллежларнинг бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш бўйича турли мамлакатларда турлича ёндашувлар мавжуд. Қуйида коллежларнинг бошқарув фаолиятини баҳолаш бўйича АҚШ, Германия ва Россия давлатларининг таълим муассасаларини кўриб чиқиш мумкин бўлади.

АҚШда коллежлар ва университетларнинг бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизими 1983 йилда асос солинган бўлиб, унга кўра коллежларнинг бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари билан олий таълим муассасаларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари деярли бир хил. Яъни коллежларнинг таълим сифати даражаси олий таълим муассасаларининг таълим сифати даражаси билан тенглаштирилган. Таълим муассасаларини рейтинг баҳолаш билан АҚШда кўп ҳолларда нодавлат нотижорат ташкилотлари, масалан мустақил газеталар шуғулланади.

АҚШда коллежларнинг бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш 4 та ҳудуд кесимида амалга оширилади: шимол, жануб, ўрта ғарб ва ғарб. Ҳар бир ҳудуд кесимида баҳолаш натижалари бўйича коллежларнинг рейтинги шакллантирилади ва ҳар йилги маълумотлар “U.S.News” газетаси ва “World Report” [3] ахборот порталида эълон қилиб борилади.

Буюк Британияда баҳолаш учун оммавий ахборот воситалари, статистик манбалардан олинган маълумотлар асос бўлиб хизмат қилади. Таълим муассасаси ҳақидаги кадрлар истеъмолчилари фикрлари асосий кўрсаткичлардан бири сифатида қабул қилинади [4].

Таълим муассасалари бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш Буюк Британия таркибига кирувчи 4 та давлат, яъни Англия, Шотландия, Уэльс, Шимолий Ирландия бўйича алоҳида амалга оширилади. Ушбу давлатларнинг барчасида баҳолаш жараёнини ташкил этишда асосан эксперт баҳолаш, ижтимоий сўровлар, шунингдек, иш берувчилар томонидан битирувчилар сифатини баҳолаш ҳамда таълим дастурларини битирувчилар томонидан баҳолаш натижалари қўлланади.

Германияда барча таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда таълим вазирлиги ҳамда нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Масалан, соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда тиббиёт йўналишидаги коллежларнинг фаолияти баҳоланади [5].

Германияда коллежлар фаолиятини баҳолаш йўналишлар кесимида мамлакат бўйлаб амалга оширилади (масалан, тиббиёт, спорт, иқтисод, туризм ва бошқ.). Баҳолаш натижалари бўйича рейтинг йўналишлар кесимида акс эттирилади ва маълумотлар турли таълим порталларида эълон қилинади.

Россияда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари, яъни коллежлар ва техникумлар бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш таълим вазирлиги таркибидаги ҳудудий таълим қўмиталари ҳамда мустақил оммавий ахборот воситалари томонидан амалга оширилади. Шунингдек, иш берувчи вазирликлар ҳамда идоралар томонидан қўшимча баҳолаш мезонлари кўзда тутилган.

Россия касб-хунар коллежларининг бошқарув фаолиятини баҳолаш автоном республикалар ва вилоятлар кесимида амалга оширилади. Баҳолаш мезонларини ҳудудларда ташкил этилган таълим қўмиталари мустақил ишлаб чиқишлари мумкин. Лекин баҳолаш мезонларининг умумий йўналишлари ва баҳолаш жараёнини амалга ошириш тартиби Россия таълим вазирлиги томонидан белгилаб берилади. Ҳар бир ҳудуд баҳолаш натижалари бўйича касб-хунар коллежларининг рейтинги эълон қилиниб, маълумотлар ҳудудий таълим порталларига жойлаштириб борилади. Масалан: Москва вилояти ва шаҳридаги коллежларнинг рейтинги “EDU-Inform” таълим порталида эълон қилиб борилади [6].

Таълим тизимининг асосий бўғинларидан бири бўлган коллежларнинг бошқарув фаолиятини баҳолаш бўйича юқорида ўрганилган хорижий давлатлар тажрибасини қуйидаги жадвал асосида умумлаштириш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

**Коллежлар бошқарув фаолиятини баҳолаш бўйича
хорижий давлатлар тажрибаси**

Т.р.	Кўрсаткичлар	АҚШ	Буюк Британия	Германия	Россия
1.	Баҳоловчи ташкилотлар	Нодавлат ва нотижорат ташкилотлар	Нодавлат ва нотижорат ташкилотлар	Таълим вазирлиги, нодавлат ва нотижорат ташкилотлар	Ҳудудий таълим қўмиталари
2.	Баҳолаш доираси	4 та ҳудуд кесимида: шимол, жануб, ўрта ғарб ва ғарб	4 та давлат бўйича алоҳида: Англия, Шотландия, Уэльс, Шимолий Ирландия	Мамлакат бўйлаб йўналишлар кесимида	Автоном республикалар ва вилоятлар кесимида
3.	Баҳолаш натижаларини эълон қилиниши	“U.S.News” ва “World Report” ахборот порталларида	Турли таълим порталлари ва “BBCnews” ахборот портали	Турли таълим порталлари	“EDU- Inform” порталида
4.	Баҳолашнинг даврийлиги	Ўқув йили натижалари бўйича йилига бир марта	Ўқув йили натижалари бўйича йилига бир марта	Ўқув йили натижалари бўйича йилига бир марта	Ҳафталик ўқув якунлари бўйича ҳар ҳафтада

Хорижий давлатлар тажрибасига кўра таълим муассасаларининг ички тузилмалари, яъни директор ўринбосарлари, факультетлар, бўлимлар, кафедралар фаолиятлари самарадорлигини баҳолаш тизими ҳам жорий этилган. Мамлакатимиз касб-хунар коллежларида эса ҳозирда фақат ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталари фаолиятини баҳолаш тизими йўлга қўйилган. Мазкур баҳолаш натижаларига кўра ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталарига касб-хунар коллежлари ҳузурида тузилган директор жамғармалари маблағлари ҳисобидан тегишли фоизларда (40 фоиздан ошмаган миқдорда) рағбатлантириш жорий этилган.

Ҳозирда таълимнинг яна кўплаб миллий моделлари мавжуд бўлиб, улар орасидан қуйидаги асосий мезонларга қараб тузилиши жиҳатидан бир-биридан фарқ қиладиган муҳимларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

- муайян мамлакат учун аниқ даврда иктисодий таълим тизимини ривожлантиришнинг асосий мақсади ва қутилаётган натижа;

- давлат ва жамиятнинг иктисодий таълим тизимини молиялаштиришдаги иктисодий имкониятлари;

- таълим тизимида иктисодчи кадрлар тайёрлашдан кўзланган мақсадга эришишда фойдаланиладиган воситалар ва механизмлар.

Мазкур мезонлардан ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг фойдаланиш даражасида маълум фарқлар мавжуд бўлган таълимнинг учта асосий моделини ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Булар жумласига Америка, Европа ва Осиё моделларини киритиш мумкин.

Америка моделига кўра давлат ва хусусий мактаблар ҳамда энг яхши ва ўрта даражадаги олий таълим муассасаларида таълим сифати сезиларли фарқ қилади. Бошланғич мактабларда ўқувчиларнинг билим даражасига қўйиладиган талаблар уларнинг ўзлаштириш даражасига қараб ошириб борилади. Америка моделида бошланғич мактабларда ижтимоий фанлар билан бирга иктисодий фанларга кенгроқ аҳамият берилган. Унга кўра ўқишни ихтисослаштиришга ўрта мактабларда кенг имкониятлар берилган. Ушбу ҳолат ихтисослаштирилган иктисодчи кадрлар тайёрловчи таълим муассасалари сонининг ортишига сабаб бўлган. Америка моделига кўра олий таълим муассасаларининг таълим мазмунини белгилашдаги мустақиллик даражаси юқори саналади. Давлат бошқарув органлари таълим мазмунини белгилаш жараёнида деярли иштирок этмайди.

Европа таълим моделида ўқувчиларга иктисодий билимларни ўзлаштириш бўйича юқори талаблар қўйиш билан бир қаторда уларга табиий ва муҳандислик фанлари соҳасида чуқур билимлар беришга аҳамият берилади. Ушбу моделга кўра, ўқувчилар билимини бошланғич мактабдан бошлаб баҳолаб бориш мезонлари жорий қилинган бўлиб, ушбу мезонларга мувофиқ ўқувчилар синфдан синфга ўтказилади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Европа таълим муассасаларининг мустақиллиги Америка таълим муассасаларига қараганда камроқ ҳисобланади. Европа мамлакатларида ўқув юртларини бошқаришда академик доираларнинг ўрни муҳим бўлиб, АҚШ да ушбу вазифани ҳомийлик кенгашлари бажаради.

Европа моделига кўра, мамлакатларнинг иктисодий тараққиёт стратегиясидан келиб чиққан ҳолда немис ва француз иктисодий таълим моделлари муҳим ҳисобланади. Масалан, ўрта махсус таълими тизимида “дуал таълим” тамойили, яъни иктисодий таълимни ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқликда олиб бориш немис моделининг ҳамда таълимнинг ҳамма учун бепуллиги француз иктисодий таълим моделининг ўзига хос жиҳатларини кўрсатади.

Осиё таълим моделига кўра, таълимни молиялашда давлатдан ташқари хусусий бизнес ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Иктисодчи кадрлар тайёрлашда, таълимни молиялаштиришда маҳаллий манбалар умуммиллий манбаларга нисбатан кўпроқ улушга эга. Осиё таълим моделига кўра таълим жараёнида талабаларга грантлар ва кредитлар ҳисобидан таълим учун тўловларни амалга оширишга ёрдам берадиган тизимлар йўлга қўйилган.

Японияда ҳамда ижтимоий-иктисодий ривожланишда катта муваффақиятларга эришган Осиё давлатларидан Жанубий Корея, Тайвань, Сингапур ва Гонконгда инсон салоҳияти, шунингдек, таълимни имкон қадар ривожлантиришга азалдан алоҳида аҳамият бериб келинган. Бунга сабаб мазкур давлатларда ер ости ва ер усти бойликлар мавжуд эмаслиги. Бу давлатларнинг энг асосий бойлиги инсон ресурслари ҳисобланади.

Мамлакатимизда иктисодчи кадрларни тайёрлаш таълим тизимидаги туб ўзгаришлар стратегияси маҳаллий кадрятлар, анъаналар ва тажрибалар билан бир қаторда илғор хорижий тажрибалардан унумли фойдаланишга қаратилган. Мустақил юртимизда миллий таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнида юқорида кўрсатилган учта таълим модели, шунингдек, Осиё таълим моделининг ютуқларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда.

Таълим тизимида иктисодчи кадрлар тайёрлаш бўйича жаҳон тажрибаси таҳлилларига кўра ижтимоий-гуманитар соҳалар таълими юқори даражада ташкил қилинган олий таълим муассасаларида техник соҳалар таълими ҳам юқори савияда йўлга қўйилган. Чунки, таълим тизими тамойиллари асосида шакллантирилган таълим моделлари умумий тавсифга эгадир (2-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўринадики, дунё бўйича энг юқори рейтингга эга бўлган 20 та олий таълим муассасаларининг 14 таси АҚШ, 4 таси Буюк Британия ҳамда 2 таси Швейцария ва Канада ҳисобига тўғри келади.

Россияда 1995 йилдан кейин иктисодий таълим йўналишларида таълим олаётган талабалар сони сезиларли даражада кўпайди. Россия олий таълим муассасалари талабаларининг ўсиши динамикаси

бўйича Польша, Чехия ва Финляндия каби давлатлардан кейинги ўринни эгалламоқда [8].

2-жадвал.

Дунёнинг ривожланган давлатларида 2017 йилдаги энг яхши олий таълим муассасалари [7]

1.	Калифорния технология институти	АҚШ	11.	Джонс Хопкинс университети	АҚШ
2.	Оксфорд университети	Буюк Британия	12.	Йел университети	АҚШ
3.	Стендфорд унверситети	АҚШ	13.	Берклидаги Калифорния университети	АҚШ
4.	Кембриж университети	Буюк Британия	14.	Лондон университет коллежи	Буюк Британия
5.	Массачусет технология институти	АҚШ	15.	Колумбия университети	АҚШ
6.	Гарвард университети	АҚШ	16.	Лос-Анжелесдаги Калифорния университети	АҚШ
7.	Принстон университети	АҚШ	17.	Пенсилвания штати университети	АҚШ
8.	Лондон Империя коллежи	Буюк Британия	18.	Корнелл университети	АҚШ
9.	Цюрихдаги Швейцария федерал технология институти	Швейцария	19.	Торонто университети	Канада
10.	Чикаго университети	АҚШ	20.	Дьюк университети	АҚШ

Бугунги кунда Шарқий Европа ҳамда мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатларида кузатилаётган яна бир анъана шундан иборатки, бу давлатларнинг кўпчилиги иқтисодчи кадрлар тайёрлаш тизимини тижоратга асосланган ҳолда ривожлантиришга ҳаракат қилмоқдалар. Бу таълимни давлат томонидан молиялаштириш манбаларининг тобора қисқариб, иқтисодий таълим тизими билан хусусий секторнинг ўзаро алоқаларга асосланган ҳолда жадал ривожланиб бораётганлигидан далолат беради. Бунда, бир томондан, таълимнинг бозор тамойилларига тўлиқ мос келиши таъкидланса-да, бошқа томондан эса, таълим сифатининг пасайишига, шунингдек, иқтисодиёт реал сектори замонавий талаблари ва таълим сифати ўртасидаги ўзаро тафовутларнинг ошишига сабаб бўлмоқда.

Европа давлатлари мисолида олиб қаралганда, Польшада иқтисодий таълим ислохотлари таълимни модернизация қилиш ва таркибий қайта кўриб чиқиш дастурлари доирасида амалга оширилди. Ушбу дастурни амалга ошириш зарурати қуйидаги омиллар таъсирида юзага келди:

- иқтисодиёт, давлат бошқаруви ва ҳудудий ўзиниўзи бошқариш жараёнлари учун юқори малакали иқтисодчи кадрлар тайёрлашнинг зарурлиги;
- олий таълим тизимининг европача ташкилий ва концептуал асосларини маҳаллий шароитларга жорий этилиши;
- бошланғич ва ўрта таълим тизимида туб ислохотларнинг бошланиши;
- олий таълим тизимини тартибга солиш бўйича янги меъёрий-ҳуқуқий базанинг шаклланиши;
- инсонлар, товарлар, пул маблағлари ва ғояларнинг эркин ҳаракатланиши;
- бозор тамойиллари асосида молиялаштириш механизмларининг олий таълим тизимида жорий этилиши;
- европа таълим тизимида талабалар ва илмий ходимларни жалб этиш жараёнларининг тезлашиши;
- олий таълим муассасалари битирувчиларига янги талабларни қўяётган меҳнат бозоридаги таркибий ўзгаришлар ва бошқалар.

Ягона Европа таълим тизимида мослашиш Польша иқтисодий таълим тизимини такомиллаштиришда бир қанча устувор вазифаларни бажаришни тақозо этди.

Польшада бугунги кунда иқтисодий таълим тизими умумий таълим тизимида муҳим ўринни эгаллайди ва бу қуйидагилардан иборат: Варшава, Краков, Познань, Катовице, Вроцлав шаҳарларида жойлашган 5 та давлат иқтисодий ҳамда 350 та нодавлат олий таълим муассасалари. Иқтисодиётнинг барча секторлари ва соҳалари учун тайёрланаётган мутахассисликлар қуйидагилардан иборат: бошқарув ва маркетинг, иқтисодиёт, молия ва банк иши, халқаро муносабатлар, информатика ва эконометрика, товаршунослик, минтақашунослик, халқаро иқтисодий муносабатлар, иқтисодиёт ва маҳаллий бошқарув, маъмурий бошқарув, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш, туризм ва бошқар. Ушбу мутахассисликлар тармоқ, тематик ва функционал ихтисослашувига мувофиқ бир қанча махсус ихтисосликларга бўлинади.

Польша давлатида олий иқтисодий таълим асосан уч босқичда олиб борилади: касб-хунар, университет таълими ҳамда илмий чуқурлаштирилган таълим. Булар ҳам ўз навбатида кундузги, сиртки, кечки ҳамда масофавий шаклларда олиб борилади. Шунингдек, иқтисодий олий таълим муассасаларида ҳамда иқтисодий-менежерлик факультетларида дипломдан кейинги “МВА” ва “МРА” доирасидаги таълим хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликда олиб борилади.

Сўнги йилликларда халқаро ҳамжамият томонидан бозор муносабатларига ўтган давлатларда, жумладан, Шарқий Европа ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларида замонавий иқтисодий таълим стандартларини жорий этиш бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилиб, зарур маблағлар ажратилди ва ушбу давлатларда олиб борилаётган ислохотлар ҳар томонлама қўллаб қувватланди. Олий иқтисодий таълимни модернизация қилиш жараёнига қўмаклашиш мақсадида жараёнга халқаро ташкилотлар, ижтимоий жамғармалар ва ҳомийлик қилувчи ташкилотларнинг маблағлари йўналтирилди. Университет таълимини ривожлантириш, шунингдек, профессор-ўқитувчилар салоҳиятини юксалтириш, уларнинг халқаро касб уюшмаларига ва ҳамжамиятларига қўшилишлари ҳамда улар билан яқиндан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишлари учун катта маблағлар ажратилди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг катта шаҳарларида таълим бериш малакалари ва кўникмаларини эгаллашга ҳамда халқаро таълим ва иқтисодий тадқиқотлар тажрибаларини ўзлаштиришга қаратилган ҳомийлик лойиҳалари бажарилди.

Ғарб мамлакатлари тажрибаси таълим соҳасидаги кескин рақобат шароитида таълимнинг ижтимоий ҳамда иқтисодий вазифаларини бир вақтнинг ўзида бажариб бўлмаслигини кўрсатмоқда. Натижада рақобатбардош иқтисодчи олимлар, сиёсатчиларва социологларни тайёрлаш вазифасини маҳаллий таълим анъаналари ва салоҳияти асосида тайёрлашнинг ўзи етарли эмаслиги маълум бўлиб қолмоқда. Чунки замонавий иқтисодий билимлар, ғоялар, ёндашувлар ва концепциялар бозор муносабатлари ривожланган мамлакатлар амалиёти таҳлили асосида шаклланиб, ривожлантирилиб борилмоқда. Шунинг учун бу ўринда иқтисодий билимларни халқаро айрибошлаш муҳим ҳисобланади.

Бозор муносабатларига ўтган Ўзбекистон, Россия, Чехия ҳамда Қозоғистон каби мамлакатларда сўнги йилларда иқтисодий таълим ва тадқиқотлар турли йўналишлар бўйича кенг қамровли ривожланиб борди. Лекин шу билан бир қаторда ушбу мамлакатларда иқтисодий таълим тизимидаги ислохотларнинг биринчи босқичи ҳали ўзининг мантиқий якунига етмаганлигини таъкидлаш лозим. Мамлакатларда жаҳонда вужудга келган молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатлари, номутаносибликлар ҳамда нисбатлар ўртасидаги бузилишлар таълимга ажратиладиган ресурсларнинг барқарор сарфланишига ва унинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу мамлакатларда тўлиқ шаклланиб улгурмаган миллий иқтисодий таълим тизимида малакали иқтисодчи кадрларга бўлган эҳтиёж катта бўлиб, юқори малакали иқтисодчи кадрларнинг танқислиги, етишмовчилиги кўзга ташланмоқда.

Европада таълимни тартибга солиш ва мувофиқлаштиришда давлат органлари марказий ўринни эгалласа-да, лекин бир вақтнинг ўзида давлатнинг таълимни тўлиқ назорат қилишдан четлашиш ҳолати кузатилмоқда. Бунга сабаб глобаллашув шароитида бозор муносабатлари талабларига мослашиш, ўзаро рақобат муҳитида ортда қолмаслик мақсадида ҳаракат қилаётган олий таълим муассасаларига ташқи омилларнинг таъсири тобора кучайиб бораётганидир.

Европа олий таълим тизими соҳасини бошқариш тузилмаси бир неча механизмдан иборат:

- ташқаридан тартибга солиш: олий таълим муассасалари учун ишлаш қоидаларини ўрнатиш давлат ёки ҳудудий органга тааллуқли;
- ташқи раҳбарлик: университет кенгашининг аъзоси сифатида аниқ мажбуриятларга эга бўлганларга (бошқарув ёки васийлар кенгаши), давлат органига (вазирлик) тааллуқли;
- раҳбарлик ўзини ўзи бошқариш: юқори раҳбарлар ва бошқарув ходимларига тааллуқли (рек-

тор, проректор ва деканлар);

- академик ўзини ўзи бошқариш: олий таълим муассасасининг келишув доираси ва академик жамоаси асосига тегишли.

Олий таълим бўйича умумий жавобгарлик Европанинг барча мамлакатларида ушбу соҳани назорат қилувчи вазирликлар зиммасига юклатилган. Буюк Британияда, Европанинг бошқа мамлакатларида бўлгани каби, вазирлик олий таълим муассасаларининг қонунга, вазирлик чиқарган меъёрий ҳужжатларга риоя этишини назорат қилади. Шунингдек, вазирлик олий таълим соҳасидаги сиёсатни, миллий ва институционал стратегик режаларни ишлаб чиқишга жавобгар. Ҳар бир мамлакатда вазирликдан ташқари олий таълим муассасаларининг ижрочи раҳбарларидан иборат миллий даражадаги орган фаолият кўрсатади. Буюк Британиядаги бундай орган Буюк Британия университетлари ва олий таълим муассасалари иттифоқи ҳисобланади.

Япония олий таълим муассасалари бошқарув тузилмаси қуйидаги тузилишга эга:

- ижроия бошқарув органи – Президент (ректор), ректорат, таълим ва тадқиқот кенгаши, бошқарув кенгаши (васийлар), назоратчи;

- таркибий тузилмалар – базавий таълим факультетлари (бакалавр даражасини беради), магистратура (магистр, доктор ва мутахассис даражаларини беради), филиаллашган илмий-тадқиқот институтлари (айрим университетларда жорий этилган), секретариат [10].

Олий таълим муассасаси раҳбари миллий университетлар, хусусий университетлар ва давлат университетларида ҳам президент, деб юритилади. Президент, унинг ўринбосарлари, Таълим ва тадқиқот кенгаши, бошқарув кенгаши (васийлар), назоратчилар юқори бўғин раҳбарлари ҳисобланади.

Юқоридаги хорижий тажрибаларга асосланиб қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин. Ривожланиш даражаси юқори бўлган Буюк Британиядаги ушбу мамлакатларнинг илғор тажрибасини тўғридан-тўғри бошқа ривожланаётган мамлакатларга жорий этиш мураккаб масала. Лекин улардан айримларини мамлакатимиз шароитига, олий таълим муассасаларининг хусусиятларига мослаштирган ҳолда татбиқ қилиш мумкин. Вакант лавозимларга танлов эълон қилиш механизмлари, номзодларни текшириш ва саралаш босқичлари ва бошқалар бунга мисол бўла олади.

Япония олий таълим муассасаларида кадрлар фаолиятини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари жуда ҳам яхши ишлаб чиқилган. Уларни таҳлил қилиш орқали Ўзбекистон олий таълим тизимига тадбиқ этиш мумкин. Жумладан, профессор-ўқитувчилар ва раҳбар ходимларни имтиҳон ва танлов асосида ишга олиш ҳамда Президент томонидан тайинланган ахлоқ назоратчиси лавозими, унинг хизмат вазифалари, академик ходимларнинг этика қоидаларидаги баъзи бандлар бунга мисол бўла олади.

Ривожланган хорижий мамлакатлар олий таълим тизими ва муассасалари кадрлар бошқарувида оид ҳуқуқий ҳужжатларини, тажрибаларини ўрганиш мамлакатимиздаги ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинмаган айрим муаммоларнинг ечимини топишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим муассасалари давлат олий таълим муассасаларини ташкил этгани учун улардаги кадрларга давлат хизматчилари мақомини бериш, буни қонуний йўл билан мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқдир. Олий таълим муассасаларида кадрлар фаолиятини бошқаришдаги Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш натижасида юзага келган хулосаларга таяниб кадрлар бошқаруви масаласидаги муаммоларни ечимини топиш мақсадида қуйидаги таклифлар билдирилди:

1. Мамлакатимиз олий таълим тизими кадрларини бошқариш элементларидан бири бўлган ротацияни амалга оширишда ташкилот маъмуриятининг ваколатларини кенгайтириш билан бирга жавобгарлигини ҳам оширишни мақбуллигини қўриб чиқиш керак.

2. Профессор-ўқитувчиларни ишга олишда саралаш ва танлаш босқичи энг муҳим босқич ҳисобланади. Шунинг учун бу босқичга алоҳида аҳамият бериш ва механизмни Европа мамлакатларида жорий этилган тартибда амалга ошириш мумкин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан 2006 йил 10 февралда тасдиқланган “Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг тегишли боблари ва пунктларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш керак. Олий таълим муассасаси ректори, проректор ва деканларини лавозимига тайинлаш бўйича махсус Низом тайёрлаш лозим, уни ишлаб чиқишда мазкур лавозимларга қўйиладиган малакавий талаблар, тайинлаш, лавозимдан озод қилиш, лавозимини ўзгартириш масалалари ва уларнинг механизмлари, амалга ошириш тартиби деталлаштирилган ҳолда аниқ кўрсатилиши зарур.

4. Олий таълим муассасаларининг раҳбар ходимларига баҳо беришда юқори турувчи органлар

билан биргаликда қўйи бўғинларнинг фикр мулоҳазаларини эътиборга олиш бўйича алоҳида меъёрий ҳуқуқий мезон ишлаб чиқиш мумкин. Раҳбар ва педагог ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари ишлаб чиқилган. Шунингдек, муассасанинг ички тартиб қоидалари билан ҳам уларнинг фаолияти тартибга солинади. Япония тажрибасидан ўрганган ҳолда уларнинг хизмат этикалари бўйича алоҳида қоида лойиҳасини ишлаб чиқиш лозим ва бу албатта ўзининг самарасини беради.

5. Олий таълим муассасаларининг раҳбар ходимларини маълум муддатда (ҳар беш йилда) аттестациядан ўтказиш тартиби жорий этилса, раҳбарларнинг ўз устида ишлаши таъминланади ва уларнинг бир жойда қотиб қолишининг олди олинади. Раҳбар ходимлар учун малака ошириш курсларини жорий этиш раҳбар ходимларнинг замонавий менежмент усуллари, янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишиш имкониятларини беради.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Илм-фан ютуқлари – тараққиётнинг муҳим омили. //Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Янги йил арафасида 2016 йил 30 декабрь куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намояндalари билан учрашувида қилган маърузаси. 30.12.2016й. Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги сайти. www.uza.uz
2. Даминов А., Закирова М., Назаров Б. Олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш масалалари. “Ахборотнома” илмий-услубий журнали. Тошкент, 2012 й. 11-б.
3. <http://colleges.usnews.rankingsandreviews.com/best-colleges/rankings>. (АҚШ медиа компаниясининг “Best College Rankings and Lists” нашри)
4. Даминов А., Закирова М., Назаров Б. Олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш масалалари. “Ахборотнома” илмий-услубий журнали. Тошкент, 2012 й.
5. Перфильева О. Многомерное ранжирование как методология сбалансированной оценки исследовательской, образовательной и международной деятельности университетов. Проект - «Разработка и апробация методологии рейтингования образовательных учреждений профессионального образования». Российско-британский семинар «Оценка эффективности деятельности вузов и их международное позиционирование» Санкт-Петербург, 28 февраля 2012 г. ст.34-38.
6. www.edu-inform.ru/college/reiting (Москва таълим портали).
7. www.gtmarket.ru
8. Сфера образования в системе Россия-Запад.(проблемы эффективности) Под ред. В.И.Марцинкевича.– М.: ИМЭМО РАН, 2009. – 234 с. Стр. 5.
9. Higher Education in Japan. Higher Education Bureau,Ministry of Education, Culture, Sports, Science and Technology. 2011. P.10.



Алижон ХЎЖАЕВ

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика
университети умумий математика
кафедраси катта ўқитувчиси

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ РОЛИ

Ушбу мақолада олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчиларнинг таълим сифатини оширишдаги роли ҳақида фикр юритилади.

Таянч тушунчалар: олий таълим тизими, таълим сифати, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, таълим сифати мониторинги, профессор-ўқитувчи, сўровнома, компетенция.

В данной статье ведется речь о роли профессоров-преподавателей высших образовательных учреждений в повышении качества образования.

Опорные понятия: система высшего образования, качество образования, государственные образовательные стандарты, образовательные программы, мониторинг качества образования, профессор-преподаватели, анкета, компетенция.

In this article istold about the role of professors-teachers of higher educational institutions in improving the quality of education.

Supporting concepts: the higher education system, the quality of education, state educational standards, and educational programs, monitoring the quality of education, professors, professors, questionnaire, and competence.

Мавжуд ёндашувлар тахлили шуни кўрсатдики, “таълим сифати” деганда кўпроқ (тизим, жараён ва натижа сифатида) таълим характеристикаларининг маълум йиғиндиси ўрнатилган, назарда тутилган ёки мажбурий эҳтиёжлар (кутишлар)га мувофиқлик даражаси тушунилади. Шунга кўра таълим сифатини бошқариш унга характеристикаларнинг маълум йиғиндисини бошланғич маълум ҳолатдан талаб қилинадиган пировард ҳолатга ўтказиш мақсадида тизим (жараён, натижа) сифатида таъсир кўрсатишдан иборат. Таълим сифатининг иккита жиҳатини қараш мумкин. Биринчи жиҳат олий таълим муассасаси (ОТМ) битирувчиларининг компетенцияларини буюртмачилар ва давлат стандартлари, малака талабларига мувофиқ тарзда тавсифлайди. Таълим сифатининг иккинчи жиҳати эса битирувчиларнинг малакавий характеристикаларини таъминлашнинг тизимли имкониятларини акс эттириб, натижалар сифати олий таълим муассасаси жараёнлари ва ресурсларининг сифати билан белгиланишини назарда тутди. Авваллари биринчи жиҳат устуворлик қилган бўлса, ҳозирги кунда кўпроқ иккинчи жиҳатга тобора эътибор берилмоқда.

Айрим олий таълим муассасаларида амалга оширилаётган таълим тизими инерцион, таъсирларга нисбатан кечиктирилган оқибатларга эга бўлиб, ўз ривожланишини адекват прогнозлаш ва унинг фаолияти сифатини пасайтирадиган жараёнларнинг олдини олишга ҳаракат қилиши лозим. Таълим тизими тузилмасида субъект-инструмент-объект учлигини ажратиш мумкин. Таълим муассасаси раҳбар ходимлари қарор қабул қилувчи шахслар сифатида субъект ҳисобланади. Профессор-ўқитувчиларни инструмент, талабаларни эса объект сифатида қабул қиламиз.

Олий таълим сифатини таъминлашнинг асосий вазифаларидан бири олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг педагогик фаолиятига қўйиладиган замонавий талабларга жавоб бера олишини киритамиз [2]. Таълим тизимида қандай мақсадда қандай ислохот бошланмасин, у пировардида ижрочи – педагогга бориб тақалади. ОТМ фаолиятининг сифатига унинг кадрлар салоҳиятидан келиб чиқиб баҳо берилади. Айни пайтда педагоглар таркиби олий таълимни модернизациялаш шароитида бошқарувнинг асосий объектларидан бири ҳам саналади.

Мамлакатимиз олий таълим тизимида професор-ўқитувчилар кафедраларга бирлашиб, уларга фанлар ҳамда ўқув вазифалари юклатилади. Табиийки, бу вазифалар педагогларнинг малакасига мос келиши лозим, қолаверса, улар вақти-вақти билан малака ошириш курсларини ўтаб, ўз устида мунтазам ишлашади. Шунингдек, ОТМга ходимларни ишга олганда уларнинг юқори даражадаги